

2020

## IMAM BUKHARI'S METHOD OF USING THE TERMS RELATED TO THE CONTINUITY AND DISCONTINUITY OF THE CHAIN OF TRANSMITTERS OF HADITH (ON THE EXAMPLE OF THE BOOK "AL-TARIKH AL-KABIR")

Numonjon Turaev

*International Islamic Academy of Uzbekistan, n.toraev@iiiau.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Islamic Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Turaev, Numonjon (2020) "IMAM BUKHARI'S METHOD OF USING THE TERMS RELATED TO THE CONTINUITY AND DISCONTINUITY OF THE CHAIN OF TRANSMITTERS OF HADITH (ON THE EXAMPLE OF THE BOOK "AL-TARIKH AL-KABIR")," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 7.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Numonjon TURAEV**  
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF  
UZBEKISTAN, PhD student,  
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan  
n.toraev@iiiau.uz

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ  
ҲАДИС САНАДИДАГИ БОҒЛАНИШ  
ВА УЗИЛИШ БАЁНИГА ОИД  
АТАМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИ  
("АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР" АСАРИ  
МИСОЛИДА)**

**THE METHODS USED BY IMAM  
BUKHARI ON THE HADITH SANAD  
AS REGARDS OF ITS  
UNINTERRUPTEDNESS AND SUSPENSION  
(ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF  
"AL-TARIKH AL-KABIR")**

**МЕТОД ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕРМИНОВ  
ИМАМА БУХАРИ ДЛЯ РАЗЪЯСНЕНИЯ  
НЕРАЗРЫВНОСТИ И УЩЕРБНОСТИ  
ЦЕПОЧКИ ПЕРЕДАТЧИКОВ  
(НА ПРИМЕРЕ КНИГЕ «АЛЬ-ТАРИХ  
АЛЬ-КАБИР»)**

**Калит сўзлар:** "самийа", "муттасил", "раъа", "адрака", "муъанъан", "лиқо", "мурсал", "мунқатий", "муосара", "муаллал".

**Key words:** "sami'a" (heard), "muttasil" (uninterrupted), "ra'a" (saw), "adraka" (met), "mu'an'an", "liqo" (to meet encounter), "mursal" (hurried), "munqati" (suspended), "muasara" (to be contemporary), "mu'allal" (defective).

**Ключевые слова:** «сима», «муттасил», «раа», «адрака», «му'ан'ан», «лико», «мурсал», «мунқати», «муосара», «му'аллал».

Ҳадисларнинг мақбул эканини белгилашда ровийларнинг ишончли бўлишлари билан биргаликда исноднинг узликсиз бўлиши, яъни "иттисол ас-санад" муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳадисларнинг шаръий далил сифатида қабул қилиниб, ҳукм чиқариш учун яроқли ҳисобланиши учун исноднинг узликсиз бўлиши лозим. Масалан, бу ҳақда тўхталган Хатиб Бағдодий "ал-Кифоя"да Муҳаммад ибн Яҳё Зухалийнинг исноди узилишсиз бўлиб, ровийлар занжирининг бирор табақасида ровий тушиб қолмаган ҳамда ровийлар орасида мажхул (номаълум) ва мажруҳ (жарҳ этилган)лари бўлмаган ҳадисларгина ҳужжат сифатида яроқли бўлиши тўғрисида-

ги қарашини келтиради. Шундан сўнг, "муанъан" ҳадисларнинг саҳиҳ ҳисобланиб, амал қилинадиган ҳадислар сафига киритилиши учун ровийнинг шайхи ўзи ривоят қилаётган ровий билан учрашган ва ундан ривоят эшитган бўлиши ҳамда ушбу муҳаддис "тадлис" қилувчи кишилардан бўлмаслиги каби 2 та шартга жавоб бериши лозимлигини таъкидлайди. (Bag'dodiy A. V., 1938, p. 36). Имом Шофейи ҳам бу борада ўз қарашини баён этиб, ҳужжат сифатида қабул қилинувчи ҳадиснинг ровийлар занжири Набий (с.а.в.)га ёки саҳобийларга узилишсиз етиб борган бўлиши лозимлигини таъкидлайди (Shofei, 1940, p. 362). Абдуллоҳ ибн Муборак "муттасил иснод"ни талаб қилишни муҳим диний вазифа сифатида баҳолайди (Bag'dodiy A. V., 1938, p. 431). Ибн Абу Ҳотим отаси ҳамда Абу Зуръаларнинг "мурсал"лар ҳужжат қилинмаслиги ҳамда "муттасил иснод"ли ҳадисларгина ҳужжат сифатида яроқли экани тўғрисида гапларини ривоят қилади (Ibn Abu Hotam, 1983, p. 15).

Манбаларда ҳадислар иснодини танқидий ўрганишни бошлаб берган муҳаддислардан бўлган Ибн Шихоб Зухрийнинг (ваф. 124/742 йй.) ҳадис иснодининг аҳамияти тўғрисидаги гапи зикр қилинади. Жумладан унда, Зухрий ҳадисларни иснодсиз, тўғридан-тўғри "Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар, ("мурсал") тарзида ривоят қилаётган Исҳок ибн Абдуллоҳ ибн Абу Фарвага нисбатан "Аллоҳ сени яқсон қилсин. Қандай қилиб ҳадисингга иснод келтирмасликка журъат қилдинг? Арқони ҳам, тизгини ҳам бўлмаган (Лайса лаҳа хутам ва ла азимма)<sup>1</sup> ҳадисларни ривоят қиляпсан-а!", – дейди (Uqayli, 1984, p. 102). Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, исноддаги ровийларнинг ўзлари ривоят қилган кишилардан ҳадис эшитганлигини аниқлаш масаласига ҳижрий I асрдаёқ эътибор қаратила бошлаган, – дейиш мумкин.

Имом Бухорий ва бошқа бир қанча муҳаддислар ровийларнинг барчаси ишончли бўлишига қарамай, улар орасидан бирортаси ўзидан юқоридаги ровийдан "самийту" ёки "ҳаддасаний" иборалари орқали ривоят қилишмаган бўлса, ушбу ҳадисга амал қилинмаслигини айтишган. Аммо баъзи ҳадис ҳофизларининг ўзлари каби ровийлардан тўғридан-тўғри эшитишмаган ривоятларни ҳам ушбу ровийдан, деб ривоят қилишганини ҳам кўриш мумкин (Zarkashiy, 1998, p. 1:166; 2:225). Имом Муслим каби муҳаддислар эса, "сиқа" ровий ўзи каби ровийлардан қилган ривояти ҳужжат сифатида яроқли бўлиши учун уларнинг замондош бўлишганининг ўзи етарли бўлишини айтишган.

<sup>1</sup> Лайса лаҳа хутам ва ла азимма – ҳадис илми истилоҳларидан бўлиб, мурсал ҳадисга, яъни ровийнинг иснодсиз, тўғридан-тўғри Набий (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилишига айтилади.

Ислом таълимотида ҳадисларнинг тутган мақоми, уларни бошқаларга етказишнинг фазилати борасидаги кўплаб ҳадислар мусулмонларнинг уларни ёдлаш, жамлаш ва кейинги авлодга асл ҳолда ривоят қилиб беришга аҳамият қаратишларига сабаб бўлган. Турли диний-сиёсий фирқаларнинг пайдо бўлиши, исломнинг турли ўлка, миллат ва дин вакиллари, турли маданиятлар орасида тарқалиши нағижасида Набий (с.а.в.)дан деб ривоят қилинган ҳар қандай хабарни қабул қилавермасдан, аввал унинг ровийларини текшириб кўриш ишлари ҳам бошланди.

Муҳаддислар ҳадисларни ишончли деб топиш учун уларга бир қанча шартларни қўйишган. Исноди узилишсиз бўлиши (“иттисол ас-санад”) мазкур шартлардан дастлабки ва муҳимларидан ҳисобланади.

Муҳаддислар ҳадис ривоят қилиш мобайнида ровий ўзидан юқоридаги кишидан “ъан” (...дан) сўзи билан ривоят қилса, унинг ривояти “муттасил” ҳисобланиши ёки йўқлиги борасида яқдил фикрда бўлишмаган. Жумладан, тадқиқотчилар Имом Бухорий каби баъзи муҳаддисларнинг “муъанъан” ривоятда ушбу масалага нисбатан қаттиқ қарашиб, ровийларнинг ўзлари ривоят қилаётган киши билан замондош бўлгани ва ўзаро учрашиш имкони бўлганининг ўзи “муъанъан” ривоятнинг исноди “муттасил” экани тўғрисидаги ҳукмга асос бўлмаслиги, балки ривоят қилишда “эшитдим” ёки “менга айтиб берди” каби ибораларни ишлатган бўлишлигини шарт қилишганини айтади. Имом Бухорий “ат-Тарих ал-кабир”да “иттисол ас-санад”га оид бир қанча атамаларни ишлатган бўлиб, улар орасида “самиъа”, “ъан”, “адрака”, “раъа” ҳамда “лақия” иборалари ўзига хос маънога эга. Мақолада муҳаддиснинг мазкур атамалардан фойдаланишдаги ўзига хос методи очиқ берилган.

The role of hadiths in Islamic teachings and the virtue of passing them on to others have led Muslims to concentrate on memorizing, collecting and presenting them to the next generation. Because of the emergence of various religious and political groups, the spread of Islam among different countries, nationalities and religions, different cultures began investigating its narrators before accepting any reports from the Prophet (S.A.W.).

Muhaddiths have put a number of conditions on hadiths to make them authentic. Works on the authenticity of the chain of the narrators have started. Uninterruptedness (ittisal as-sanad) one of the first and utmost important conditions.

Muhaddiths did not agree in the narration that if it was narrated by a person above him with the word “ъan” (from), his narration would be considered as uninterrupted (muttasil). In particular, some scholars, such as Imam Bukhari, have a strong view on this issue in the “mu’ан’ан” narrative, saying that the narrators were contemporary with the person they narrate and had the opportunity to meet. In order to be “isnad” the terms such as “I’ve heard” or “told me” must be used. Imam Bukhari has used several terms in al-Tarih al-Kabir for the term ‘ittisal al-sanad’, among which the terms ‘sami’a’, ‘an’, ‘adraka’, ‘ra’a’ and ‘lakhiya’ have special meanings. The article explains the specific methodology of the scholar to use these terms.

Множество хадисов о достоинстве передачи их другим и о статусе хадисов в исламе стали поводом для мусульман к актуализации заучивания, сбора и передачи следующим поколениям в их первоизданном виде. С появлением разных религиозно-политических течений, распространением ислама среди разных стран, народов других религий и культур, началась ревизия передатчиков хадисов.

Муҳаддисы (традиционные хадисоведы) для вердикта достоверности хадисов поставили несколько условий. Неразрывность цепочки передатчиков (иттисаль ас-санад) считается одним из первых и важных условий.

Муҳаддисы не были единогласны в том считается ли цепочка передатчиков неразрывной, если передатчик использует слово “ан” (от) во время повествования от кого-то из предыдущих передатчиков. Исследователи доказывают, что некоторые муҳаддисы, как Имам Бухари, очень строго относились к хадисам “му’ан’ан”, говоря что быть современником и иметь возможность встретиться не даёт повода, чтобы считать цепочку «му’ан’ан» неразрывной, но ставили условием, чтобы передатчик использовал обороты «услышал», «рассказал мне». Имам Бухари в труде «Тарих аль-Кабир» пользовался несколькими терминами, среди них «сами’а», «ан», «адрака», «ра’а» и «лақия», которые имеют своеобразные значения. В данной статье раскрывается специфический метод Имама Бухари в пользовании перечисленными терминами.

Уларга кўра, ровийларнинг ўзаро учрашишгани ва бирининг бошқасидан ҳадис эшитишгани тўғрисида маълумот бўлмас экан, бунинг аксини исботловчи маълумот ҳам йўқ бўлиши лозим (Muslim ibn Najjoj, pp. 1:29-30). Абулҳасан Қобисий (ваф. 403/1013 й.), Абу Амр Доний Муқри (ваф. 444/1052 й.) каби муҳаддислар эса, ровийлари “ҳаддасана”, “ахбарона”, “анбаана”, “самиъна минху”, “қиротан алайҳи” каби иборалар билан ривоят қилган ривоятлари “муттасил” ҳукмида бўлишини айтишган. Шунингдек, ўзи ривоят қилаётган кишига етишгани аниқ бўлган ҳамда “тадлис” билан танилмаган кишининг “муъанъан” ривоятлари ҳам “муттасил” эканини таъкидлашган. Шу билан бир-

га, Абу Амр Доний Мадина, Ҳижоз, Басра, Шом ва Миср каби ўлка ровийларининг ривоятларида “эшитишлик” аниқ бўлмаса ҳам, ушбу ҳадис “муснад ҳадис” ҳисобланаверишини айтганди. Зеро, ушбу юрт ровийлари “тадлис” қилишмаган Ҳоким Найсобурий каби муҳаддислар ушбу турдаги ривоятлар ровийлар занжирида “сиқа” (ишончли) ровийлардангина тадлис қиладиган ровий мавжуд бўлса, ушбу ривоят қабул қилиниши, агар “сиқа” бўлмаган ровийлардан “тадлис” қиладиган бўлса, ушбу ривоятлар қабул қилинмаслигини таъкидлашини баён этади (Zarkashiy, 1998, pp. 2:23-24).

Бу масалада Ибн Қаттон Фосий (ваф. 628/1231 й.) Имом Бухорий ва Али ибн Мадинийлар замон-

дош ровийлар томонидан қилинган “муанъан” ривоятни қабул қилишда уларнинг ўзаро учрашгани тўғрисида далил лозимлиги шартини қўйишгани, Имом Муслим эса, бу қарашга қўшилмаганини зикр этади. Хулоса сифатида эса, Имом Бухорий ва Али ибн Мадинийларнинг қарашини тўғри эканини таъкидлайди (Ibn Qatton, 1997, p. 3:287).

Ибн Абдулбар (ваф. 463/1071 йй.) ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталиб, ўзигача бўлган муҳаддислар қарашларини жамлаш ва хулоса қилади. Унинг таъкидлашича, барча муҳаддислар 3 шартга жавоб берган “муанъан” ҳадиснинг қабул қилинишига иттифоқ қилишган. Ушбу 3 шарт эса, муҳаддисларнинг адолатли бўлиши, ровийларнинг бир-бири билан кўришган, гаплашган бўлиши ва “тадлис”дан йироқ бўлиши кабилардир (Ibn Abdulbar, 1991, pp. 1:12-14).

Ибн Салоҳ ва унга эргашган муҳаддисларга кўра, Имом Бухорий “муанъан” ҳадисларни қабул қилишда икки ровийнинг бир-бири билан кўришган бўлишини шарт қилган. Жумладан, Имом Нававий, Ибн Ражаб, Ибн Ҳажарлар ушбу фикрни қўллаб-қувватлашганини кўриш мумкин (Ibn Rajab, 1987, p. 2:216; Ibn Hajar Asqaloni A. A., 1984, p. 2:595). Ҳофиз ибн Ҳажар ушбу қарашни шарҳлаб, баъзиларнинг Имом Бухорий “Саҳих”да “кўришишлик” ҳадиснинг саҳихлик шартини сифатида белгилаб олганини айтишлари ва ушбу фикр нотўғри экани, балки Имом Бухорийнинг наздида “кўришиш” саҳих ҳадиснинг шартини ҳисобланганини айтади. Шу билан бирга, “ат-Тарах ал-кабир”да ушбу шартга жавоб бермагани сабабидан кўплаб ҳадислар “иллатли” деб баҳоланганини ҳам келтириб ўтади (Ibn Hajar Asqaloni, An-Nukt ‘ala kitob ibn as-Saloh, 1984, p. 2:595). Саҳовий ҳам ушбу фикрга қўшилиб, Али ибн Мадиний ва Имом Бухорийлар ушбу шартни саҳих ҳадис шартларидан бири сифатида белгилашганини қайд этади (Sahoviy, 2003, p. 1:165). Ибн Рашид Имом Бухорий ва Али ибн Мадинийларнинг “лиқо” (кўришиш) атамасини ишлатишларига доир маълумотларни ўрганиб чиқиб, икки муҳаддиснинг “лиқо”ни “симоъ” (эшитиш) атамаси билан бир маънода ишлатишган, деган хулосани беради (Ibn Rashid, 1996, p. 55).

Имом Бухорий “ат-Тарих ал-кабир” асарида “симоъ” масаласида алоҳида тўхталиб, бошқа муҳаддислар томонидан эътибор берилмаган жиҳатларни ҳам очиб берган. Ушбу давргача бўлган муҳаддислар ровийнинг кимдан ривоят қилгани ва ундан кимлар ривоят қилишганини келтириш билан кифояланишган бўлса, Имом Бухорий “эшитиш” юзасидан алоҳида терминлар ишлаб чиққан ва асарда улардан унумли фойдаланган.

Жумладан, “самиъа” (эшитган) ибораси ровийнинг ўзи ривоят қилаётган шайхлардан ҳадис эшитганлиги аниқ бўлган ўринларда ишлатилган. Асарда исноднинг “иттисоли”, яъни узлуксилигига далолат қилувчи бошқа иборалар ҳам ишлатилган бўлса-да, муҳаддис наздида “самиъа” атамаси улар орасида энг аҳамиятлиси ҳисобланган. Асарни кузатиш давомида ушбу ибора 6 мингдан кўпроқ ўринда зикр этилгани аниқланди. Уларнинг ишлатилиш ўринлари ва мазмуни таҳлил қилинганда ушбу атама 3 мақсадда ишлатилгани аниқланди:

**а) Ровийнинг саҳобийлардан эканини кўрсатиш учун.** Маълумки, саҳобий бўлиш учун Набий (с.а.в.)ни мусулмон ҳолида кўриб, шу ҳолда вафот этишнинг ўзи кифоя қилади. Аммо, Имом Бухорий саҳобийнинг у зотнинг сўзларини эшитганини алоҳида кўрсатишга эътибор қаратган. Зеро, у зотни кўрган барча саҳобийлар ҳам ҳадис ривоят қилишмаган.

Асарнинг бир қанча ўринларида “самиъа” ибораси “лаҳу суҳба” (суҳбар эгаси, яъни саҳобий) ибораси билан биргаликда, аксарият ҳолларда эса алоҳида ишлатилган. Масалан, Анас ибн Ҳорис, Бар ибн Абдуллоҳ, Ҳорис Ашъарий, Ҳасан ибн Абу Толиб, Ҳакам ибн Муовия Нумайрий, Ҳакам ибн Муовия, Сулаймон, Салома ибн Қайсар Ҳазрабий, Сукайн Замрий, Шураҳбил ибн Авс, Шураҳбил Жуъфий, Сунобиҳ ибн Аъсар, Абдуллоҳ ибн Саба-ра, Абдулмалик ибн Аббод ибн Жаъфар, Арфажа ибн Шурайх, Молик ибн Рабийъа, Молик ибн Убод, Муовия ибн Ҳайда, Нуъмон ибн Розия, Нуайм ибн Масъуд, Ваҳб ибн Қайс ибн Абон, Ваҳший, Язид ибн Соиб, Язид ибн Асад, Ясор ибн Субаъ, Ибн Фиросий каби ровийларнинг саҳобийлигини тасдиқлаш учун “самиъа” иборасини ишлатган (Vukobiy M. i., p. 2:30, 146, 260, 286; 3:11, 11; 4:1, 194, 198, 250, 250, 327; 5:27, 404; 7:64, 300, 301, 329; 8:75, 92, 161, 180, 316, 317, 420, 444).

**б) Ровийнинг тобейлардан эканини кўрсатиш учун.** Асарнинг бирор ўрнида “тобей” атамаси ишлатилмаган бўлиб, унинг ўрнига аксарият ҳолларда “самиъа” сўзи ишлатилган. Бу орқали ровийнинг саҳобийлардан ривоят эшитгани, яъни тобейлардан эканига ишора қилинади. Мисол учун, Муҳаммад ибн Ашъас ибн Қайсининг Оиша (р.а.)ни, Муҳаммад ибн Абу Ҳармаланинг Ибн Умар (р.а.)ни, Муҳаммад ибн Зиёднинг Абу Ҳурайра (р.а.)ни, Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Савбоннинг Ибн Умар (р.а.)ни, Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Авфнинг Абу Саид Худрий (р.а.)ни, Авс ибн Абдуллоҳ Рабийнинг Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)ни, Авс ибн Амоманинг Абу Мусо Ашъарий (р.а.)ни, Авс ибн Наомнинг Али ибн Абу Толиб (р.а.)ни, Усома ибн Салмоннинг Абу Зар ва Ибн Масъуд

(р.а.)ларни, Асламнинг Умар ибн Хаттоб (р.а.)ни, Аслам ибн Зуръанинг Абу Мусо (р.а.)ни, Айман Ҳабашийнинг Оиша (р.а.)ни, Анас ибн Сириининг Ибн Умар, Ибн Аббос ва Анас (р.а.)ларни “эшитган”лиги таъкидланган (Вухоріу М. і., pp. 1:22, 59, 82, 145, 147; 2:16, 18, 21, 23, 25; 7:40).

**е) Умумий ҳолатда.** Юқоридаги икки ҳолатдан бошқа ўринларда ушбу ибора бир ровийнинг ўзи ривоят қилаётган шайхдан ривоят эшитганини ифодалаш учун ишлатилган.

**“Ъан” (...дан)** кўмақчиси асарда ровийни ўзи ривоят қилаётган шайхлардан ҳадис эшитган ёки эшитмаган ҳолда ривоят қилаётган бўлиши эҳтимолини кўрсатиш учун ишлатилган. Имом Бухорий Халид ибн Сумайр Садусий таржимаи ҳоли баёнида, унинг Анас ва Башир ибн Наҳиклардан “эшитган”ини аниқ кўрсатувчи “самиъа” иборасини қўллаган ҳолда, Ибн Умардан эшитган ёки эшитмаган бўлиши эҳтимолини кўрсатувчи “ъан” иборасини қўллайди (Вухоріу М. і., pp. 3:153-154). Ибн Саъд “ат-Табакот ал-кубро”да Халид ибн Умайрнинг Ибн Умардан қилган ривоятини келтиради. Унда “Ибн Умарга дейилди” тарзида унинг мавқуф ривоятини келтиради (Вағ‘одіу М. і., 1990, p. 4:51). Имом Бухорий Халиднинг Башир ибн Наҳикдан “ҳаддасаний” тарзида “симоъ”нинг собитлигини кўрсатувчи ибора билан ривоят қилганини кўрсатувчи мисолни келтиради (Вухоріу М. і., p. 2:97). Ибн Саъд ҳам унинг Башир ибн Наҳикдан “ҳаддасаний” тарзида ривоятини келтиради (Вағ‘одіу М.і., 1990, p. 7:55). Аммо, машҳур ҳадис тўпламларида унинг Анасдан қилган ривоятлари учратилмади.

Рабиъ ибн Анас Бакрий биографиясида эса, унинг Анас ва Абулолиялардан “эшитган”и, ундан эса Абу Жаъфар Розий, Аюдулазиз ибн Муслим, Ибн Муборак, Муғира ибн Муслимлар “эшитишган”и келтирилган, Сулаймон Тамимийнинг ҳам ундан ривоят қилгани, аммо ундан эшитган ёки эшитмаганини билмаслигини айтади (Вухоріу М.і., pp. 3:271-272).

Яъқуб ибн Салама Лайсий ҳақида: “Абу Ҳурайрадан (ъан) [ривоят қилган]”. Бошқа бир ўринда эса, “Саламанинг Абу Ҳурайрадан, Яъқубнинг отасидан эшитгани маълум эмас” (Вухоріу М. і., p. 4:76; 8:392).

Хумайд ибн Ухт Сафвон ҳақида: “Сафвон ибн Умайядан (ъан) [ривоят қилган]”. Асарнинг бошқа жойида унинг ривоятини келтиргач, “Бунинг Сафвондан эшитганини билмаймиз”, дейди (Вухоріу М. і., p. 4:304; 2:357).

Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ибн Абу Рабийъа ҳақида: “Ҳорис ибн Абдуллоҳ ва Оишадан эшитган. Абдуллоҳ ибн Абу Шайбадан ҳам

[ривоят қилган]”. Бошқа бир ўринда ундан ҳадис ривоят қилгач, “Иброҳимнинг отасидан эшитганими, йўқми билмайман”, дейди (Вухоріу М. і., pp. 1:296; 5:9-10).

Усмон Тавил ҳақида: “Абулолия ва Анас ибн Молик (р.а.)лардан [ривоят қилган]”. Бошқа бир ўринда Усмоннинг Анасдан қилган ривоятини келтиргач, “Усмоннинг Анасни эшитгани маълум эмас”, дейди (Вухоріу М. і., p. 6:258).

**“Раъа” (кўрган)** ибораси Имом Бухорий томонидан бирор ровийнинг ўзи ривоят қилаётган ровийни кўрган у ҳолда, ундан ривоят эшитмаган бўлиши эҳтимоли бўлган ўринларда ишлатилган. Мисол учун, Исмоил ибн Абу Халид биографиясида “Ибн Абу Авфий, Амр ибн Ҳарислардан эшитган, Анас ва Коҳилларни кўрган” (Вухоріу М. і., p. 1:351). Ушбу ровий тўғрисида Ибн Абу Ҳотим ҳам тўхталган бўлиб, унинг “ал-Маросил”да Али ибн Мадинийдан қилган ривоятига кўра, Исмоил Анас (р.а.)ни бир мартаба кўрган, аммо ундан эшитмаган ва бирор нарса ривоят қилмаган (Ibn Abu Hatim, Al-Marosil, 1983, p. 12:31). Ушбу икки ривоятда Имом Бухорийнинг “раъа” иборасини қўллаш услуби ойдинлашади. Жумладан, Исмоил ибн Абу Халид саҳобийлардан эшитгани сабабидан тобейлардан ҳисобланса, Анас ибн Моликни “кўрган”и ҳолда ундан эшитмагани сабабидан ундан қилган ривояти “узликсиз” ҳисобланмайди.

Жарсума ҳақида: “Ҳасан ва Барклардан эшитган. Анасни бир бола бошқариб кетаётган эшак устида кўрган” (Вухоріу М. і., p. 2:254).

Сулаймон ибн Миҳрон Аъмаш ҳақида: “Анас, Саид ибн Жубайр, Абу Воил, Зайд ибн Ваҳб ва Иброҳимларни кўрган” (Вухоріу М. і., p. 4:37).

Эътиборлиси, асарда 372 марта ишлатилган ушбу ибора ровийнинг ўз шайхини бирор иш қилиб турганини ривоят қилган. Бу борада “асарда” кўплаб ҳадисларни учратиш мумкин (Вухоріу М. і., pp. 1:53, 100, 123, 127, 195, 206, 266; 2:24, 74, 111, 139; 3:444, 482, 507; 4:42, 67, 114, 125, 138, 242; 5:42, 85, 117, 147).

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Имом Бухорий “раъа” иборасини ровийнинг ўзи ривоят қилаётган кишини кўрган ҳолда, ундан ривоят эшитмаганини кўрсатиш учун ишлатган.

**“Адрака” (етишган)** ибораси ровийнинг “ўзи етишган” кишини кўргани ёки замондош бўлгани ҳолда, ушбу кишидан ривоят қилмаганини кўрсатиш учун ишлатилган. Шунингдек, ушбу ибора, аксарият ҳолларда, ровийнинг саҳобий эканини таъкидлаш учун ишлатилганини ҳам кўриш мумкин. Иборанинг ишлатилиш ўринлари таҳлили унинг қуйидаги мақсадларда ишлатилганини кўрсатади:

**а) Ровийнинг саҳобийлардан эканини кўрсатиш учун.** Мисол учун, Муҳаммад ибн Ҳотиб Қураший<sup>2</sup> ҳақда: “Набий (с.а.в.)ни ёш болалик чоғида кўрган. Алидан эшитган”, деб, унга тегишли 2 та ривоятни келтиради. Ушбу ривоятларнинг бири онасидан ўзининг туғилишига оид ривоят бўлса, иккинчиси Абу Исҳоқ Сабийийнинг Абу Молик Ашжаъиддан қилган ривоятидир. Ушбу ривоятда: “Муҳаммад ибн Ҳотиб билан ўтирган эдим. Шунда у: “Расулulloҳ (с.а.в.) “Хурмозорлари бўлган ерни кўряпман”, дедилар” (Вухоріу М. і., р. 1:17; Ahmad ibn Hanbal, 2001, pp. 18278-h; Tabaroniy, 1994, pp. 541-h). Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддик ҳақда: “Бобоси Муҳаммад ибн Абдурахмоннинг куняси: Абу Атик, Қураший. Набий (с.а.в.)га етишган” (Вухоріу М. і., р. 1:128). Маълум бўладики, Имом Бухорий Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддикнинг саҳобийлардан деб билган. Абу Нуайм Мусо ибн Уқба ҳам ушбу ровийга тўхталган бўлиб, саҳобий экани билинмаган 4 кишининг 2 таси сифатида Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддик ва унинг ўғли Муҳаммадларни зикр қилган (Abu Nuaym, 1998, р. 2:171). Ибн Ҳиббон эса, Муҳаммад ибн Абдурахмоннинг саҳобий эканини таъкидлайди (Ibn Hibbon, р. 3:366).

Асвад ибн Халаф ибн Абд Яғус ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган”. Шундан кейин Муҳаммад ибн Асваднинг отасидан ривоят қилинган ҳадисини келтиради. Унда Асвад Фатҳ куни, одамлар байъат бераётган вақтда Набий (с.а.в.) ёнига келган, у зотни кўрган (Вухоріу М. і., р. 1:444). Ушбу ривоятда кишининг саҳобийлардан ҳисобланиши учун етарли бўлган шарт, яъни Набий (с.а.в.)ни мўмин ҳолда кўриш зикр қилинган. Ушбу ўринда “адрака” феъли “раа” (кўрмоқ) феъли билан биргаликда, синоним сифатида келтирилмоқда. Ибн Қониъ уни саҳобийлар қаторида зикр этади (Ibn Qoni’, 1997, р. 1:19).

Ҳобис ибн Саъд Тоний ҳақда. “Набий (с.а.в.)га етишган (Вухоріу М. і., р. 3:108). Ушбу ровийни Ибн Саъд, Ибн Ҳиббон ва Ибн Ҳажарлар саҳобийлар қаторида зикр этишган (Bag‘dodi M. i., 1990, р. 7:431; Ibn Hibbon, р. 3:94; Abu Nuaym, 1998, р. 8:884; Tabaroniy, 1994, р. 4:32; Ibn Hajar Asqaloni, 1994, р. 1:27).

Асарда Саид ибн Омир ибн Ҳузайм Жумаҳий ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган”и таъкидланган (Вухоріу М. і., р. 3:453). Ибн Ҳиббон, Ибн Қониъ, Табароний ва Абу Нуаймлар ҳам уни саҳобийлар

қаторида зикр этишган (Ibn Abu Hotam, 1953, р. 4:48; Ibn Hibbon, р. 3:155; Tabaroniy, 1994, р. 6:58; Ibn Qoni’, 1997, р. 1:263; Abu Nuaym, 1998, р. 3:1291).

Соиб ибн Акраъ Сақафий ҳақда: “У саҳобийдир (лаҳу суҳбатун). Набий (с.а.в.)га етишган. Унинг бошини силаганлар” (Вухоріу М. і., р. 3:101). Ушбу ўринда Имом Бухорий ровийнинг саҳобийлигини алоҳида, Набий (с.а.в.)га етишганини алоҳида зикр этмоқда. Ибн Абу Ҳотим ҳамда Ибн Ҳиббонлар ҳам ушбу ривоятни келтиришган (Ibn Abu Hotam, 1953, р. 3:240; Ibn Hibbon, р. 3:155).

Сунайн Абу Жамийла ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган ва у зот билар ғазотда қатнашган...Абу Жамила Набий (с.а.в.)га етишгани ва Фатҳ йили у зот билан бирга ғазотларга чиққан” (Вухоріу М. і., р. 4:209). Ушбу ровийни Ибн Абу Ҳотим, Ибн Ҳиббон ва Абу Нуаймлар саҳобийлардан дейишган бўлса, Ибн Саъд ва Ижлийлар эса тобейларнинг табақасида зикр қилишган (Ibn Abu Hotam, 1953, р. 4:320; Abu Nuaym, 1998, р. 3:1434; Ijliy, 1984, р. 208).

Шақиқ ибн Салама ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган, аммо у зотдан бирор нарса эшитмаган” (Вухоріу М. і., р. 4:245). Имом Бухорийдан бошқа муаллифлар ушбу ровийнинг Набий (с.а.в.)ни кўрмагани ва бирор нарса ривоят қилмаганини келтиришган (Ibn Hajar Asqaloni, 1994, р. 2:163).

Фарқад ҳақида: “Набий (с.а.в.)га етишган. Айтади: “Набий Муҳаммад (с.а.в.)ни кўрдим ва у зотнинг дастурхонидан таом едим” (Вухоріу М. і., р. 7:130). Ибн Абу Ҳотим ҳам ушбу ривоят ҳақида тўхталиб ўтган. Аммо Фарқаднинг ривоятини зикр этмайди. Шу билан бирга, Абу Ҳотимнинг ҳам шу фирқда эканини айтади (Ibn Abu Hotam, 1953, р. 7:81).

Молик ибн Зоҳир ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган. Ундан Саид ибн Абу Шамр ривоят қилган” (Вухоріу М. і., р. 7:304).

Маҳмуд ибн Рабиъ Хазражий Ансорий ҳақда: “Набий (с.а.в.)га етишган” (Вухоріу М. і., р. 3:482). Шундан сўнг, Зухрийнинг санад йўли билан ривоят қилинган хабарни келтиради. Имом Бухорий ушбу ривоятни “Саҳих”да ҳам зикр этади (Вухоріу М. і., 2001, р. 1:26). Жумладан, унда Маҳмуд 5 ёшлик вақтида Набий (с.а.в.) унинг юзига бир челақдаги сувдан пуркаганини эслаб қолгани зикр этилган. Ушбу ривоятга асосланган ҳолда Ибн Абу Осим, Ибн Қониъ ва Абу Нуаймлар, Маҳмудни саҳобийлар қаторида зикр этишган (Osım, 1991, р. 4:178; Ibn Qoni’, 1997, р. 3:117; Abu Nuaym, 1998, р. 5:2523). Абу Ҳотим эса, унинг Набий (с.а.в.)га етишган вақтида 5 ёшда бўлгани эътиборидан, Маҳмудни

<sup>2</sup> Ҳабашга ҳижрат чоғида, кемада туғилган. Ибн Ҳиббон, Ибн Абу Осим, Ибн Қониъ, Табароний, Абу Наимлар уни саҳобийлардан деб, зикр қилишган. Қаранг: (Ibn Hibbon, р. 3:265; Ibn Qoni’, 1997, р. 3:16; Tabaroniy, 1994, р. 19:239; Abu Nuaym, 1998, р. 1:170).

“сухбаг” (саҳобийлик) эмас, балки “руъя” (кўришлик) соҳиби сифатида зикр этади (Ibn Abu Hotam, 1953, p. 8:289; Ijliu, 1984, p. 5:2523).

Амр ибн Салама Абу Язид Жармий ҳақда: “Ундан Абу Қулоба ва Айюблар ривоят қилишган. Набий (с.а.в.) замониға етишган” (Vuxoriy M. i., p. 6:313).

**б) Ровийнинг қайсидир давр ёки халифа ёки саҳобий замонида яшагани тўғрисида маълумот бериш учун.** Мисол учун, Убайдуллоҳ ибн Муайя ҳақда: “Жоҳилиятга етишган. Набий (с.а.в.) дан ривоят қилган” (Vuxoriy M. i., p. 5:373). Ибн Қониъ, Абу Нуайм, Ибн Ҳажар, Ибн Мандалар ушбу ровийни саҳобий сифатида зикр қилишган (Ibn Qoni', 1997, p. 2:179; Abu Nuaym, 1998, p. 4:1875; Ibn Hajar Asqaloni, 1994, p. 2:433). Ушбу ривоятда “адрака” ибораси ровийнинг “жоҳилия” даврида яшагани тўғрисида хабар бериш учун ишлатилмоқда.

Муҳаммад ибн Маъбад ҳақда: “Умар ибн Абдулазизга етишган. Ундан Нух ибн Қайс эшитган” (Vuxoriy M. i., p. 1:239). Ибн Абу Ҳотим ҳам ушбу ривоятни келтиради. Ибн Ҳиббон эса, унинг Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилганини таъкидлайди (Ibn Abu Hotam, al-Jarh va at-ta'dil, 1953, p. 8:102; Ibn Hibbon, p. 9:61).

Ҳассон ибн Анас Тағлибий ҳақда: “Оишага етишган. Ундан Зиёд ибн Алоқа ривоят қилган” (Vuxoriy M. i., p. 3:32). Ушбу ўринда Имом Бухорий ровийнинг Оишага етишганини айтишдан унинг тобейи экани ҳамда Оишадан ҳадис ривоят қилганини таъкидлашни истаган бўлиши мумкин. Буни Ибн Абу Ҳотимнинг “ал-Жарҳ ва ат-таъдил”да келтирган маълумотлари, яъни Ҳассоннинг Оишадан ривоят қилгани, тасдиқлайди (Ibn Abu Hotam, 1953, p. 3:234).

Умар ибн Абдуллоҳ ҳақда: “Билолнинг синглиси Ғафра бинт Рабоҳнинг мавлоси. Саълаба ибн Абу Молик, Абдуллоҳ ибн Абу Али Соибдан ривоят қилган...Исо ибн Юнус унинг Ибн Аббос (р.а.) га етишганини айтди” (Vuxoriy M. i., p. 6:169). Ибн Маин ушбу ровийнинг саҳобийлардан бирор нарса эшитмаганини айтади. Абу Ҳотим эса, унинг Ибн Аббосдан қилган ривоятлари мурсал эканини айтади. Баззор ҳам Абу Ҳотимнинг гапини маъқуллаганини кўриш мумкин (Iroqiy, 1999, p. 240; Ibn Hajar Asqaloni, 1984, p. 7:415).

**“Лақия” (учратган)** ибораси “ат-Тарих ал-кабир”да 12 марта ишлатилган бўлиб, ушбу ҳолатларда “симоъ” сўзи билан биргаликда қўлланган (Vuxoriy M. i., pp. 2:44, 205; 3:6, 124, 235, 393; 4:214; 6:306; 7:146; 8:118, 163). Фақатгина бир ўринда, Ваҳб ибн Асваднинг биографиясида “лақия” сўзи

ёлғиз ишлатган (Vuxoriy M. i., p. 8:163). Бошқа муҳаддислар асарларда ушбу ровийнинг Умардан ривоят қилгани таъкидлангани (Ibn Abu Hotam, 1953, p. 9:24; Ibn Hibbon, p. 5:489) инobatга олинса, “лақия” сўзи ровийнинг ўзи ривоят қилаётган ровийни кўриб, ундан ҳадис эшитганини англатиши маълум бўлади.

Асарда эшитишни инкор қилувчи ёки бу ҳақда маълумотлар йўқлиги ёки бу ҳақда иккиланиш борлигини кўрсатувчи иборалардан ҳам фойдаланилган бўлиб, уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар:

**1. Эшитиш ҳақида маълумот бўлмаган ёки иккиланиш мавжудлигини кўрсатувчи иборалар.** Ушбу гуруҳга: “фалончининг эшитгани маълум эмас”, “унинг эшитганини билмаймиз”, “унинг эшитгани маълум эмас”, “унинг эшитгани хабари йўқ”, “фалончининг эшитгани баён этилмаган”, “фалончининг эшитгани ёки эшитмаганини билмайман”, “фалончининг эшитгани зикр этилмаган”, “уни эшитган деб ўйламайман” ва “эшитганида шубҳа бор” каби ибораларни киритиш мумкин. Ушбу ибораларнинг ишлатилиш ўринлари таҳлил қилинганда, улар ровийнинг “мажҳул” эканини кўрсатиш учун қўллангани маълум бўлди. Мисол учун, Муҳаммад ибн Абон Ансорий ҳақида: “Муҳаммад ибн Абон Ансорий Оишадан ривоят қилади...Абу Абдуллоҳ айтади: Муҳаммаднинг Оишадан эшитганини билмаймиз”. Имом Бухорий асарнинг бошқа жойида Муҳаммад ибн Абон исмли бошқа бир ровийни зикр этиб, унинг Авн ва Қосимлардан ҳадис ривоят қилганини таъкидлайди (Vuxoriy M. i., p. 1:32). Ибн Абу Ҳотим ҳам ушбу фикрга қўшилганини кўриш мумкин. Ибн Ҳиббон эса, ушбу икки ровийнинг ким эканини айтиб, унинг Оишадан ривоят қилганини айтувчи кишилар борлиги ҳамда ушбу фикрнинг шубҳали эканини таъкидлайди (Ibn Abu Hotam, 1953, p. 7:198; Ibn Hibbon, p. 7:3).

Муҳаммад ибн Рукона Қураший ҳақда: “Исноди мажҳул. Баъзиларининг баъзиларидан эшитгани маълум эмас”, дейди (Vuxoriy M. i., p. 1:82). Имом Бухорий ушбу ривоят занжирида Абулҳасан Асқалоний, Абу Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Рукона ва Муҳаммад ибн Руконалар орасида мажҳул ровийлар борлигига ишора қилади. Ибн Ҳажар Абулҳасан Асқалоний ҳамда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Руконаларнинг “мажҳул” эканини айтади (Ibn Hajar Asqaloni, Tahzib at-tahzib, 1984, p. 3:486).

Муҳаммад ибн Абу Сора ҳақда: “Ҳасан ибн Алидан ривоят қилади. Ундан Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ Танофисийлар ривоят қилишган. Унинг Ҳасандан эшитгани маълум эмас” (Vuxoriy M. i., p. 1:110).

Муҳаммад ибн Сафвон ҳақда: “Саид ибн Му-сайябдан, у Саъддан: Набий (с.а.в.) Алига дедилар: “Сен мен учун Ҳоруннинг Мусо наздидаги даражасидасан. Фақатгина нубувват масаласида эмас”. Абу Абдуллоҳ дейди: Саиддан эшитгани зикр қилинмаган ва ўзим ҳам ундан эшитганми-йўқми билмайман” (Vuxoriy M. i., p. 1:115).

Аммор ибн Сайф ҳақда: “Абу Маондан, у Ибн Сиридан, у Абу Ҳурайрадан...Абу Маоннинг Ибн Сиридан эшитгани маълум эмас. У мажҳулдир” (Vuxoriy M. i., p. 2:170). Уқайлий ҳам Абу Маоннинг мажҳул эканини таъкидлайди (Uqayliy, 1984, p. 2:242).

Солим ҳақда: “Набитдан, у Жобондан, у Абдуллоҳ ибн Амрдан, у Набий (с.а.в.)дан...Жобонинг Абдуллоҳ ибн Амрдан, Солимнинг на Жобондан, на Набитдан эшитгани маълум эмас” (Vuxoriy M. i., p. 1:408).

**2. Эшитишнинг мавжуд эмаслигини аниқ кўрсатувчи иборалар.** Ушбу гуруҳга: “эшитмаган” (лам ясмаъ), “мурсал” (ўзи эшитмаган одамдан ривоят қилади), “мунқатий” (узилган) каби ибораларни киритиш мумкин. Дастлаб, “эшитмаган” иборасининг ишлатилиш ўринлари таҳлил қилинганда, унинг “мурсал” атамаси билан синоним сифатида ишлатилгани маълум бўлди. Мисол учун, Зиёд ибн Лабий Баъзий ҳақда: “Аъмашдан, у Солим ибн Абу Жаъддан, у Ибн Лабид Баъзийдан, у Набий (с.а.в.)дан...Солимни Зиёддан эшитган деб ўйламайман (аро-кўрмайман) (Vuxoriy M. i., p. 3:344). Ибн Ҳажар Зиёднинг Солим билан учрашмаганини таъкидлайди (Ibn Hajar Asqaloni, 1994, p. 1:540). Демак, Зиёд ҳадис ривоят қилаётганда ўзидан юқорида турган ровийни ташлаб кетган (ирсол).

Абдурахмон ибн Абд ҳақда: “Абу Абдуллоҳ Жадали. Оиша (р.а.)ни эшитган. Ундан Иброҳим ва Абу Исҳоқлар ривоят қилишган. Ундан Ҳакам эшитган. Иброҳим эшитмаган, дейилади” (Vuxoriy M. i., p. 5:319). Ушбу ровийга тўхталган Абу Довуд ҳам Иброҳимнинг Абдурахмон ибн Абддан эшитмаганини таъкидлайди (Ibn Hajar Asqaloni, 1984, p. 12:165).

Зу Жавшан Килобий ҳақда: “Абу Исҳоқ мурсал ривоят қилган...” (Vuxoriy M. i., p. 3:266). Ушбу ровий ҳақида тўхталган Имом Бухорий, Абу Исҳоқнинг ривоятларини нима учун “мурсал” дегани тўғрисида далил ҳам келтиради. Жумладан, унда Зу Жавшанинг ўғли Абу Исҳоққа қўшни бўлгани ва Абу Исҳоқнинг фақатгина Зу Жавшанинг ўғлидан эшитган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ривоятни келтиради. Кейинги давр муҳаддислари ҳам бунга эътибор беришган. Жумладан, Ижлий Абу Исҳоқнинг 38 та саҳобийдан ҳадис эшитганини айтган бўлса, Ибн Ҳажар уни “мудаллис” ровийлар-

нинг 3-табақасида зикр этади (Ijliy, 1984, p. 366; Ibn Hajar Asqaloni, 1983, p. 42)

Имом Бухорий ровийларга нисбатан “мудаллис” атамасини жуда кам ҳолларда, яъни 6 та ровийга нисбатан ишлатган. Улар:

**а)** Аъмаш. Муҳаммад ибн Хозимнинг таржимаи ҳолида “Аъмашга Ҳишом, Саид Аллоф ва Мужоҳидлардан муслим кишининг оч қолган одамни таомлантириши тўғрисида ривоят қилди. У мени тадлис қилди”, деган ривоятни келтиради (Vuxoriy M. i., p. 1:74).

**б)** Хушайм. Уни Иброҳим ибн Атийянинг таржимаи ҳолида зикр этади (Vuxoriy M. i., p. 1:211).

**в)** Ҳажжож ибн Арто. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Муборакнинг: “Ҳажжож тадлис қилар эди. Арзамий ривоят қилган ҳадисларни Амр ибн Шуайбдан деб ривоят қиларди. Арзамий “матрук” бўлиб, унга яқинлашмаймиз”, деган гапини келтириш билан чекланади (Vuxoriy M. i., p. 2:378).

**д)** Хорижа ибн Мусъаб Забъий ҳақда: “Вакиъ уни тарк этган. Гиёс ибн Иброҳимдан тадлис қилиб ривоят қилар эди. Унинг ҳадисларидан саҳиҳлар билан ғайри саҳиҳлари маълум эмас”, дейди (Vuxoriy M. i., p. 3:205).

**е)** Муборак ибн Фазола. Уни Рабиъ ибн Сабийнинг таржимаи ҳолида зикр қилади. Абу Валид: “Рабиъ тадлис қилмас эди. Муборак эса, ундан кўп тадлис ривоят қилар эди” (Vuxoriy M. i., p. 3:279).

**ф)** Али ибн Ғароб. Аҳмад айтади: “Тадлис қилар эди” (Vuxoriy M. i., p. 6:292).

**3. Ровийнинг ўзи ривоят қилаётган шайхга етишганида шубҳа бўлганда ишлатиладиган иборалар.** Ушбу ўринда “лам ятабайян симаъу фулан мин фулан”, “ла юърофу симаъу фулан мин фулан”, “ла ароху самиъа минху” каби иборалар ишлатилган. Мисол учун:

**а)** Ваҳб ибн Мунаббах ҳақда: “Ҳакам ибн Масъуд Сақафийдан (ривоят қилган)...Ваҳбнинг Ҳакамни эшитгани баён этилмаган” (Vuxoriy M. i., p. 2:332). Ибн Ҳажар Асқалоний ушбу икки ровий тўғрисида тўхталиб, Ҳакам ибн Масъуднинг 13/634 йили “Жиср жанги”<sup>3</sup>да вафот этгани ҳолда, Ваҳб ибн Мунаббахнинг 34/655 йилда туғилганини ва бу улар орасида узилиш мавжудлигининг яққол далили эканини таъкидлайди (Ibn Hajar Asqaloni, 1994, p. 1:347).

**б)** Аммор ибн Абу Анас ҳақда: “Абдуллоҳ ибн Нофеъ ибн Умёддан, у Рабийъа ибн Ҳорисдан, у Фазл ибн Аббосдан, у Набий (с.а.в.)дан...Бу ҳадисга эргашилмайди. Шу билан бирга, уларнинг баъзилари бошқаларидан эшитганлари маълум эмас” (Vuxoriy

<sup>3</sup> Ушбу жанг Абу Убайд Сақафий бошчилигидаги мусулмонлар ва форс империяси қўшини ўртасидаги жанг. Қўшимча маълумот учун қаранг: (Brown, 2011, p. 107)



М. и., р. 3:283), дейди. Манбаларда ушбу ривоят иснодидаги Рабийъа ибн Ҳориснинг тобейлардан бўлгани зикр этилган (Ibn Hibbon, р. 4:230). Фазл ибн Аббоснинг Умар ибн Хаттоб даврида вафот этганини инобатга олган ҳолда, Имом Бухорий уларнинг ўзаро кўришганини шубҳа остига олади. Абдуллоҳ ибн Нофеъ ибн Умё эса, мажҳул бўлгани (Ibn Hibbon, р. 5:53) сабабидан ушбу тарзда жарҳ этилган бўлиши мумкин.

с) Исмоил ибн Холид ҳақда: “Саъд мавло Хотибдан...Уни унга етишган деб билмайман” (Вухорӣ М. и., pp. 4:48-49). Ибн Абдулбар ҳам ушбу ровийга тўталиб Саъднинг “Уҳуд” жангида вафот этгани ҳамда, Исмоилнинг ундан қилган ривоятлари “мурсал” эканини қайд этади. (Ibn Abdulbar, al-Istiy’ab, р. 2:40).

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, муҳаддислар “муанъан” ривоятни қабул қилишда иснодаги ровийларнинг ўзидан аввалги ровий билан учрашгани, ундан ривоят эшитгани каби шартларни ишлаб чиқишган. Аммо бу масалада улар орасида яқдиллик бўлмаган. Зеро, Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг орасида ушбу масалада ихтилоф келиб чиққан. “Самиъа” ибораси ровийнинг ўзи ривоят қилаётган кишидан эшитганини аниқ кўрсатиш учун қўлланувчи ибора бўлиб, саҳобийликни белгилаш мақсадида ҳам ишлатилган. Шу билан биргаликда, саҳобийга нисбатан ишлатилганда, ушбу саҳобийнинг Набий (с.а.в.) дан ҳадис эшитгани ва уни ривоят қилганини ҳам кўрсатади. Мазкур ибора тобейликни белгилаш учун ҳам ишлатилган. Зеро, кишининг тобейлардан ҳисобланиши учун унинг саҳобийлардан бири билан учрашиши ва ундан эшитиши лозим. “ЪАн” кўмакчиси асарда ровийнинг ўзи ривоят қилаётган кишидан ҳадис эшитган ёки эшитмаган бўлиши эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. “Раъа” ибораси асарда ровийнинг ўзи ривоят қилаётган кишини кўргани ҳолда ундан ривоят эшитмаганини кўрсатиш учун ишлатилган. “Адрака” ибораси ровий етишган замон ёки буюк шахсалар тўғрисида маълумот бериш учун ишлатилган. Шу билан биргаликда, ушбу кишилардан ривоят қилмаганини ҳам кўрсатган. Имом Бухорий “саҳобий” экани машҳур бўлмаган кишилар тўғрисида ҳам маълумот бериш мақсадида “Набий (с.а.в.)га етишган” изоҳини келтиради. “Лақия” ибораси ровийнинг бирор киши билан учрашганини кўрсатиш учун ишлатилган. Асарда унинг “самииъа” билан биргаликда ишлатилгани инобатга олинса, ушбу ибора ровийнинг ўзи ривоят қилаётган киши билан кўришгани ва ҳадис эшитганини аниқ кўрсатади. Асарда ровийнинг ўзи ривоят қилаётган кишидан ҳадис эшитгани аниқ

ёки эҳтимол бўлган ўринларда унинг ривояти келтирилиб, ушбу ривоятнинг иллати сифатида “эшитиш”нинг собит эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu Nuaym, A. i. (1998). *Ma'rifa as-sahoba*. Riyoz: Dor al-Vatan.
2. Ahmad ibn Hanbal, A. A. (2001). *Musnad al-imom Ahmad ibn Hanbal*. Bayrut: Muassasa ar-risola.
3. Bag'dodiy, A. B. (1938). *Al-Kifoya*. Haydarobod: Dor al-maorif al-usmoniyya.
4. Bag'dodiy, M. i. (1990). *Tabaqot al-kubro*. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
5. Brown, D. W. (2011). *A New Introduction to Islam*. John Wiley & Sons.
6. Buxoriy, M. i. (2001). *al-Jome' as-sahih*. Bayrut: Dor tuq an-najot.
7. Buxoriy, M. i. (б.д.). *At-Tarix al-kabir*. Haydarobod: Doira al-maorif al-usmoniyya.
8. Ibn Abdulbar, A. U. (1991). *at-Tamhid lima fiy al-Muvatto min al-maoniy va al-asonid*. Mag'rib: Nashr vizora al-avqof.
9. Ibn Abdulbar, A. U. (б.д.). *al-Istiy'ab*. Bayrut: Dor al-kutub al-arabiy.
10. Ibn Abu Hotam, A. i. (1953). *al-Jarh va at-ta'dil*. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
11. Ibn Abu Hotam, A. i. (1983). *Al-Marosil*. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
12. Ibn Hajar Asqaloniy, A. A. (1983). *Tabaqot al-mudallisin*. Ummon: Maktaba al-manor.
13. Ibn Hajar Asqaloniy, A. A. (1984). *An-Nukt 'ala kitob ibn as-Saloh*. Madina: al-Jomi'a al-Islomiyya.
14. Ibn Hajar Asqaloniy, A. A. (1984). *Tahzib at-tahzib*. Bayrut: Dor al-fikr.
15. Ibn Hajar Asqaloniy, A. A. (1994). *al-Isoba fiy tamyiz as-sahoba*. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
16. Ibn Hibbon, A. H. (б.д.). *as-Siqot*. Bayrut: Dor al-fikr.
17. Ibn Qatton, A. A. (1997). *Bayon al-vahm va al-iyhom*. Riyoz: Dor Tiyba.
18. Ibn Qoni', A. A. (1997). *Mu'jam as-sahoba*. Riyoz: Maktaba al-g'urabo al-asriyya.
19. Ibn Rashid, M. i. (1996). *as-Sunna al-abyan*. Riyoz: Dor al-g'urabo al-asriyya.
20. Ijliy, A. i. (1984). *Tarix as-siqot bi tartib al-haysamiy*. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya.
21. Iroqiy, V. A. (1999). *Tuhfa at-tahsil*. Riyoz: Maktaba ar-rushd.
22. Murodov, D. (2019). About the genre of Arbain. *The Light of Islam*, Iss. 1, Article 4., 34-37.
23. Muslim ibn Hajjoj, A. Q. (б.д.). *Sahih* (Т. 1). Bayrut: Dor at-turos al-arabiy.
24. Osim, I. A. (1991). *Al-Ohod va al-masoniy*. Riyoz: Dor ar-roya.
25. Saxoviy, M. i. (2003). *Fath al-mug'is bisharhi alfiya al-hadis lil-Iroqiy*. Qohira: Maktaba as-sunna.
26. Shofei, A. A. (1940). *ar-Risola*. Misr: Maktaba al-halabiy.

27. Tabaroniy, S. i. (1994). *Al-Mu'jam al-kabir*. Qohira: Maktaba ibn Taymiyya.
28. Tajiyev, A. (2018). HADITH IN THE EARLY PERIOD OF ISLAM AND ITS IMPACT ON THE COMPANIONS' SPIRITUAL LIFE. *The Light of Islam*, 26-29.
29. To'rayev, N. (2019). THE APPEARANCE OF THE SCIENCE OF «JARH AND TA'DIL» AND ITS DEVELOPMENT IN THE FIRST TWO CENTURIES. *The Light of Islam*, 29-34.
30. Turaev, Numonjon (2019) "IMAM BUKHARI'S METHOD OF JARH (ON THE EXAMPLE OF THE TERMS «MUNKAR AL-HADITH» AND «MATRUK AL-HADITH» IN THE «AL-TARIKH AL-KABIR»," *The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4* , Article 5.
31. Uqayliy, A. J. (1984). *az-Zu'afu al-kabir*. Bayrut: Dor al-maktaba al-ilmiiyya.
32. Zarkashiy, B. M. (1998). *an-Nukt ala muqaddimatu Ibn Saloh*. Riyoz: Dor azvo as-salaf li an-nashr va at-tavzi'.

